

## Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

29 апрел 2019 йил

Сурхондарё АргоКимё Химоя худудий  
акциядорлик жамияти акциядорларига

Манзил: Сурхондарё АргоКимё Химоя худудий акциядорлик жамияти. Термез шаҳар Ойтумор кучаси 5 уй. Микрокредитбанк Термез ш. х/р 2021 0000 4004 2703 7001. МФО 00326 ИНН 200 475 392

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили:150100. Фаргона ш Янгиобод 5 уй. ХАБ TRAST BANK х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Окэд 69202, тел 0373 2416448 email: [tftaudit@mail.ru](mailto:tftaudit@mail.ru).)

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00773-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлигидан 12.05.1997 йилда № 335 –реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) бош директори бош аудитор САР Ботиров М.Х томонидан (Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2017йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект Сурхондарё АргоКимё Химоя худудий акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг “Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, “Хусусий капитал тўғрисида”ги ҳисобот, “Пул оқимлари тўғрисида” ҳисобот шаклларида иборат 2018 йил 01 январидан- 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз Сурхондарё АргоКимё Химоя худудий акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **Сурхондарё АргоКимё Химоя худудий акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь** ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
«ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилот бош  
директори , бош аудитор САР



**М.Х Ботиров**

Аудитор малака сертификати № 05052  
25.08.2017 йилда Молия Вазирлиги  
томонидан берилган